

2/2022,
mart-aprel
(№ 00058)



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ ДРАЙВЕР СИФАТИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тухлиев Искандар Суюнович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор. Тошкент, Ўзбекистон.
tukhliev_is@mail.ru

Абдухамидов Сарвар Адхамович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти кафедра мудири, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Тошкент, Ўзбекистон.
sarvarabduxamidov4@gmail.com

Article DOI: 10.55439/EIT/vol10_iss2/a45

Аннотация

Мақолада Янги Ўзбекистон худудларида туризмнинг драйвер сифатида барқарор ривожланишини таъминлайдиган йўналишлари кластер ва қўшимча қиймат занжири концепциясини қўллаш асосланган ва туризмнинг мамлакат ЯИМ қўшган реал ҳиссасини мультипликатив самара орқали ҳисоблаш тавсия қилинган.

Калит сўзлар: стратегик сектори, ёндош тармоқлар, драйвер сифатида туризмни ривожлантириш, кластр, мультипликатив самара.

Аннотация

В статье рекомендуется направления, которые обеспечат устойчивое развитие туризма как драйвера на территориях нового Узбекистана с использованием концепции кластера и цепочки добавленной стоимости, а также рекомендуется рассчитывать реальный вклад туризма в ВВП страны через эффект мультипликатора.

Ключевые слова: стратегический сектор, смежные отрасли, развитие туризма как драйвер, кластр, эффект мультипликатора.

Abstract

The article recommends directions that will ensure the sustainable development of tourism as a driver in the territories of new Uzbekistan using the concept of a cluster and value chain, and it is also recommended to calculate the real contribution of tourism to the country's GDP through the multiplier effect.

Keywords: strategic sector, related industries, tourism development as a driver, cluster, multiplier effect.

Кириш

Хозирги пайтда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий мақсадларидан бири устувор стратегик йўналишларни танлаб олишдан иборат. Шу туфайли Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида туризм соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг стратегик тармоқларидан бирига айланиши зарурлиги таъкидланди. Туризм соҳасининг барча ёндош тармоқларида сифат

жиҳатидан таркибий ўзгаришларни таъминлайдиган ривожланишнинг иккинчи босқичига ўтиш вақти келди.

Ривожланишнинг иккинчи босқичига ўтишда бундай ёндашув туризм барча ҳудудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига, иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожлантиришнинг драйверига айлантириш зарур эканлигини ифодалайди.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) ва туризм бўйича Парламентлараро конференцияда қабул қилинган Гаага декларацияси [2] 14 апрел 1989-йилда биринчи маротаба туризмни қишлоқ хўжалиги, саноат, таълим, ижтимоий таъминот сингари устувор йўналишлар каби мамлакатни комплекс ривожлантириш режасининг таркибий қисми сифатида чора-тадбирлар қабул қилиш зарурлигини белгилади ва бошқа ижтимоий-иқтисодий фаолият каби туризм расмий равишда тармоқ сифатида тан олинди ҳамда давлат тамонидан эътибор қилиниши таъкидланган эди.

Ўзбекистон Президентининг 2016 йилдаги Фармони [1] билан туризм бўйича Парламентлараро конференцияда қабул қилинган Гаага декларацияда нафақат туризм расмий равишда тармоқ сифатида тан олинди, балки янги Ўзбекистонда туризмга стратегик сектор мақомининг берилиши уни мамлакат иқтисодиётининг драйвери бўлишига асос солинди ва уни хорижий мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичига олиб чиқди.

Шу туфайли, миллий иқтисодиётнинг стратегик сектори, яъни драйвери сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш, унга ёндош бўлган иқтисодиёт тармоқларини кластер усулида ривожлантириш, миллий туризм брендини яратиш ва уни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш ҳисобига Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини намоён этиш талаб қилинмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Тадқиқот доирасида илмий адабиётлардаги туризмнинг миллий иқтисодий ўсишнинг драйвери сифатидаги фикир ва мулоҳазалар таҳлил қилинди. Хусусан, М.П.Болодурин, А.И.Мишуровлар ўз тадқиқотларида туризм миллий иқтисодиётнинг ўсиши учун драйвери бўлиши мумкин ва бўлиши керак, бунда иқтисодиётни модернизация қилиш дастурларини ишлаб чиқишда халқаро туризм соҳасидаги етакчи мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олиш, инвестиция ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш воситаларини миллий иқтисодиёт амалиётига мослаштириш керак, деб ҳисоблайдилар [3].

А.Виноградова ўз мақоласида туризм кўплаб замонавий мамлакатлар иқтисодиётининг драйвери эканлигини таъкидлайди: бюджет даромадларидан ташқари, транспорт ва коммуникациялар, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги саноатининг ривожланишини рағбатлантиради, бу эса ўз навбатида қўшимча иш ўринлари яратилишига олиб келади [4].

О.П.Кузнецованинг тадқиқот натижалари бўйича замонавий туризм ҳудудларни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, тобора кўпайиб бораётган янги йўналишларни қамраб олади, бу кўплаб мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий драйвери, деб ҳисоблайди [5].

Э.В.Бардасованинг тадқиқотларида Татаристон Республикасида туризм ва меҳмондўстлик драйверлари иқтисодиётининг пандемиядан кейинги даврда ўсиш омиллари туризм ва меҳмондўстлик индустрияси дуч келган муаммолардан келиб чиқиб, Татаристон Республикасида ички туризмнинг драйвер сифатида ўсишига туртки бўлгани аниқланган [6].

Р.Кузембаев Қозоғистонда туризм миллий иқтисодиётни диверсификация қилишнинг ҳаракатлантирувчи драйверидан бирига айлантириш лозимлиги бўйича илмий-амалий хулосаларини тақдим этган [7].

П.Прокудин "Туризм юқори рентабелли соҳа бўлиб, 50 га яқин ёндош соҳалар ривожлани-шини рағбатлантиради. Туризм бутун иқтисодиётни ривожлантириш драйверига айлантириш заруратини асослаб берган [8].

А.Абдуҳакимов "сўнги йилларда туризм миллий иқтисодиётнинг "ўсиш нуқталаридан" бирига айланди, у бошқа ёндош тармоқларни ривожлантириш учун драйвер бўлиб, даромадларнинг ўсишини рағбатлантиради ва юқори мултипликатив самарага эга: туризмдан олинadиган тўғридан-тўғри даромаднинг 1 доллари иқтисодиётнинг ёндош тармоқларида камида 5-7 доллар беради" дея таъкидлаган [9].

Аммо ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида туризм соҳасининг хизматлари натижасида ҳосил бўладиган мултипликатив самара ҳамда ушбу соҳанинг драйвер сифатидаги ЯИМ даги улуши назарий ва амалий жиҳатдан етарлича ўрганилмаган.

Бизнингча, мамлакатимизда туризм соҳасини иқтисодиётнинг драйвери сифатида ривожлантириш тадбиркорлик ва инестицион фаолликнинг ошишига, бюджетга валюта тушумини таминлашга, меҳмонхона ва инфратузилмаларнинг яхшиланишига ҳамда халқаро алоқаларнинг кенгайишига олиб келади. Ўзбекистон замонавий туризм индустриясини миллий иқтисодиётининг драйверига айлантириш учун барча зарурий манбаларга эга бўлиб, Буюк Ипак йўли устида жойлашган ватанимиз қулай табиий-иқлим шароитга, бой тарихий, маданий меросга ва айни пайтда ҳам ички, ҳам халқаро туризмни ривожлантириш учун юқори салоҳиятга эгаллиги жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Тадқиқот методолиги

Тадқиқот жараёнида туризм соҳасини ривожлантиришнинг халқаро ва миллий тажрибалари бўйича илмий-тадқиқотлар ўрганилди. Мақолани шакллантириш жараёнида илмий-назарий мушоҳада, кузатиш ва танлаб олиш, қиёсий таҳлил, тизимли ва вазиятли ёндашувлар каби усуллардан самарали фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Туризм ва маданий меърос вазирлиги ҳамда Жаҳон туризм ташкилоти маълумотлардан фойдаланилгани билан изоҳланади.

Таҳлил ва натижалар

Ўсиш драйвери тушунчаси ва унинг иқтисодиёт учун аҳамиятига назар солсак, иқтисодий ривожланишнинг драйверлари инновацион ўзгаришларга, давлатнинг иқтисодий сиёсатини ўзгартиришга, фан, таълим, инсон капиталини қўллаб-қувватлашга, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш ҳақи, бизнес ва ишлаб чиқаришга, инвестицияларга асосланган бўлади. Ривожланиш драйвери эса иқтисодий ўсишнинг катализаторлари бўлиб, улар кўп тармоқли алоқалар ва ҳамкорлик орқали барча соҳаларда иқтисодий барқарорликка замин яратади.

Бугунги кунда туризм кўплаб замонавий мамлакатлар иқтисодиётининг драйвери ҳисобланиб, бюджет даромадларини оширишдан ташқари, транспорт ва коммуникация, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги, саноатининг ривожланишини рағбатлантиради, бу эса ўз навбатида қўшимча иш ўринлари яратилишига олиб келмоқда. Бутунжаҳон туризм ва саёҳатлар кенгаши томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, 2019 йилда ҳар тўртинчи янги иш ўрни саёҳат ва туризм соҳасида яратилган, барча иш ўринларининг 10,6%и (334 млн нафар) ва жаҳон ЯИМнинг 10,4%и туризмга тўғри келган.

Янги Ўзбекистонда туризм иқтисодийнинг стратегик тармоқларидан бири сифатида белгиланиши натижасида ҳукумат томонидан қабул қилинган қатор Фармон ва Қарорлар асосида бу соҳада катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, хорижий фуқароларидан юртимизга келиш учун виза талаб этилмайдиган мамлакатлар сони 9 тадан 86 тага етказилди, 53 та давлат учун «электрон виза» тизими жорий этилди. Туризм учун қийин бўлган жорий йилда соҳадаги субъектлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, уларга субсидия ва ссудалар ажратилмоқда.

Тадқиқотимизга кўра, мамлакатимиз туризм маҳсулотини ишлаб чиқишда, кирувчи ва ички туризм сегментларини, туризм турларидан айниқса зиёрат ва экотуризмни ривожлантиришда барча имкониятларимиз бўйича нисбий устунликларга эгалгимизни кўрсатмоқда. Туризм соҳаси миллий иқтисодийнинг кўплаб ёндош тармоқларига бевосита ва билвосита боғлиқ эканлиги қуйидаги расмда акс этирилган (1-расм).

ТУРИЗМ СОҲАСИ	БЕВОСИТА БОҒЛИҚ	Овқатлантириш корхоналари, меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари, транспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналар, банк хизматлари, хунармандчилик, фавқулотда ҳолатларда қутқарув хизматлари, экология, ахборот коммуникация технологиялари, тарихий обидалар ва замонавий иншоотлар, музейлар мавзули кўргазмалар, тиббиёт, сўғурта, алоқа, кўнгил очиш индустрияси, ички ишлар вазирлиги туризм полицияси, савдо-тижорат, тадбиркорлик ва маиший хизматлар
	БИЛВОСИТА БОҒЛИҚ	Инфратизим корхоналари, касаначилик, коммунал хўжалиги, божхона қўмитаси, маданий-марифий соҳалар, ахборот коммуникация технологиялари, қишлоқ хўжалиги, нашр, спорт, қурилиш, халқаро алоқалар, ОАВ ва Интернет сайтлари

1-расм. Туризм соҳаси драйвер сифатида таъсир кўрсатувчи ёндош соҳалар¹

Ўзбекистонда туризм соҳасини расмда кўрсатилган ёндош тармоқлар билан биргаликдаги ривожланишини ҳисобга олган ҳолдаги ҳисоб-китоблар, бандлик борасида йилига камида 112 мингдан зиёд қўшимча иш ўринларини яратиш имконияти мавжуд эканлиги аниқланди. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги статистик маълумотларига [10] кўра, Ўзбекистонга кириб келган хорижий давлат фуқаролари сони 8279,0 минг кишини ташкил этган.

Уларнинг 92,5 % МДХ давлатларидан, 7,5 % узоқ хорижий давлатлардан ташриф буюрган. Мамлакатда 1051 та меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари объектлари фаолият кўрсатган. Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларида 23528 номер, 46671 жойлар мавжуд. Уларда жойлаштирилган шахслар 2193,4 минг нафарни ташкил этмоқда. Жойлаштирилган шахсларнинг 1099,2 минг нафари Ўзбекистон фуқаролари, 1094,2 минг нафари эса хорижий давлат фуқаролари ташкил этади. Тунаб қолишлар эса 4838,9 минг бирликни ташкил этган.

Ўзбекистон меҳмонхоналарига жойлаштирилган шахслар 2019 йилда 1099,2 минг нафарни ва саёҳлик агентликлари томонидан ҳизмат кўрсатилганлар сони 942,0

¹ Муаллифлар тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

минг кишини ташкил қилган, ЮНВТО тавсиясига асосан ҳар мингта туристга хизмат кўрсатиш учун ёндош тармоқлар билан биргаликдаги 20-30 кишининг меҳнати тўғри келишини ҳисобга олсак, жами кириб келган хорижий давлат фуқаролар сонидан 8279,0 минг киши сонидан хизмат кўрсатилганлар сони 2041,2 мингни олиб ташласак, қолган 6237,8 минг кишига х 20 киши = 124,7 минг киши қўшимча равишда хизмат кўрсатиши мумкин бўлади.

2019 йилда Ўзбекистонда фаолият кўрсатган туристик фирма ва ташкилотлар ходимлари сони 2920 та ва меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари ходимлари сони 9738 та, жами 12658та ходимлар туристларга фаолият кўрсатганини ҳисобга олсак, демак қўшимча равишда хизмат кўрсатиши мумкин бўладиганлар сонидан, фаолият кўрсатиб турган ходимлар сонини айирсак $124700-12658=112,1$ мингта қўшимча равишда ишчи жойлари ташкил қилиш мумкин эканлиги аниқланди.

Юқоридаги ҳисоб-китоб ва тадқиқот натижаларига кўра туризм соҳасининг самарадорлигини оширишда ёндош тармоқларда ҳосил бўладиган қўшимча ишчи жойлари ва улар томонидан олинadиган даромадни ҳам ЯИМда ҳисобга олиш миллий иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этади.

Аммо мамлакатимиз туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўла туриб, узоқ йиллар бу имкониятдан тўлиқ ва самарали фойдаланмай келмоқда. Туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилмади, Юртбошимиз таърифи билан айтсак **"...хамма ўз билганича фаолият юритиб келди"**.

Хулоса ва таклифлар

Ҳақиқатда туризмни ривожлантиришда миллий иқтисодиётнинг ёндош тармоқларига драйвер сифатида таъсирини давлат ҳокимияти, бошқарув органлари ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан уни мувофиқлаштириш зарурлигига етарли даражада эътибор қаратишмади. Ваҳоланки, ҳудудларда ушбу соҳанинг ривожланишини самарали бошқариш жараёни натижасида мультипликатив самара олишда катта ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Тадқиқотлар натижаси бўйича, туристик маҳсулотни шакллантиришда асосий харажатларнинг 77,6 фоизи ёндош хизмат кўрсатувчи ташкилотлар харажат-ларига тўғри келади, бу эса туристик маҳсулотни шакллантиришда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларининг салмоқли ўрни борлигидан далолат беради. Шу туфайли, туризмда харажатлар усули, яъни ЯИМ ни барча товар ва хизматлар хариди учун сарфланган маблағлар қиймати орқали аниқлаш тавсия қилинади, чунки бу усул минтақадаги туристлар асосий сарф-харажатларининг тақсимотини ҳисобга олади.

Мазкур илмий-тадқиқот доирасида янги Ўзбекистон ҳудудларида туризмнинг драйвер сифатида барқарор ривожланишини таъминладиган йўналишларини таҳлил қилиб, ва туризмнинг истиқболли йўналишларини ривожлантириш бўйича қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- туризмнинг мавжуд статистикасини қайта кўриш лозим, чунки янги Ўзбекистонда реал рақамлар асосида аниқ вазифалар қўйилмоқда, бунинг натижасида туризмнинг реал даромадини, инвестициялар бўйича прогнозларни ва инфратизимни ривожлантиришни ҳисоб-китоб қилиш вақти келди. Бу келгусида мамлакатга ташриф буюраётган хорижий туристлар ва ички туристлар сонини аниқ ҳисобга олиш, уларнинг мамлакат ҳудудларидаги харажатларини аниқлаш ҳамда туризмнинг мамлакат ЯИМ қўшган реал ҳиссасини мультипликатив самара орқали ҳисоблаш имкониятини беради;

- туризм соҳасини Ўзбекистон иқтисодиётининг хақиқий драйверига айлантириш учун асосий туристик ресурсларнинг ҳамда унга ёндош бўлган соҳалар томонидан кўрсатилган хизматлар бўйича ягона маълумотлар базасининг йўқлиги сабабли, туризмдаги мавжуд ахборот тизимларини таҳлил қилиш, рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ва ахборот тизимларига асосланган туризм маркетинги бўйича тадқиқотлар олиб бориш лозим бўлмоқда;

- миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантириш мақсадида давлат томонидан туристик-рекреацион кластернинг институционал базасини яратиш ва Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шерикчилик институтини шакллантириш мақсадида минтақаларда махсус бошқарув ташкилотларини ташкил этиш, туризмни ривожлантиришнинг стратегик режаларини ишлаб чиқиш, жорий башқаришни амалга ошириш, мониторинг олиб боришни ташкиллаштириш ва ўз-ўзини бошқариш тамойилларига таяниб фаолият юритиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда янги Ўзбекистон ҳудудларида туризмни драйвер сифатида барқарор ривожлантиришни таъминлайдиган, ташкилий жиҳатдан туризм соҳасининг унга ёндош тармоқлар билан биргаликдаги ривожланиш йўналишларини белгилайдиган кластер ва қўшимча қиймат занжири концепциясини қўллаш орқали амалга ошириш тавсия қилинади. Туризм кластерининг ҳудудларда муваффақиятли фаолияти кўплаб ижобий омилларни (янги иш ўринларини яратиш, инфратузилмани ривожлантириш, бюджет тизимининг даромадлар қисмини тўлдириш, маданий мерос объектларни сақлаш, туристнинг маънавий ва жисмоний кучини тиклаш ва бошқалар) ривожлантиришга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4861-сонли Фармони - www.lex.uz.

2. Гагская декларация. Принцип 10. Принята на Межпарламентской конференции по туризму проведена в Гааге (Нидерланды) 1989 году совместно с Межпарламентским союзом (МПС) и Всемирной Туристской Организацией (ВТО).

3. Болодурина М.П., Мишурова А.И. Адаптация зарубежного опыта развития туристической индустрии как драйвера роста национальной экономики // Национальные интересы: приоритеты и безопасность. -2018. - Т. 14, № 1. - С. 19 - 36. <https://doi.org/10.24891/ni.14.1.19>

4. Анна Виноградова. Туризм - драйвер экономики // Экономический научный журнал “Оценка инвестиций”.02.07.2020 г.

5. Кузнецова О.П.Туризм как драйвер социально-экономического и социокультурного развития страны // Экономические отношения. № 3.2019.

6. Бардасова Э.В. Экономика туризма и гостеприимства Республики Татарстан в период постпандемии: вызовы и драйверы роста // Экономика, предпринимательство и право. – 2021. – Том 11. – № 7. – С. 1715-1726. – doi: [10.18334/epp.11.7.112335](https://doi.org/10.18334/epp.11.7.112335).

7. strategy2050.kz: <https://strategy2050.kz/ru/news/50879/>

8. <http://vspmr.org/news/supreme-council/turizm-drayver-ekonomiki.html>

9. <https://themag.uz/post/aziz-abduhakimov>